

**СУД ФАОЛИЯТИДА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ТАФТИШ ТАРТИБИДА ҚАЙТА
КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АСОСЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Адилова Маржангул Елмуратовна

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети "Инсон ҳуқуқлари,
давлат ҳуқуқи ва бошқарув" кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси суд тизимида янги жорий этилган тафтиш инстанциясининг ҳуқуқий табиати, унинг суд фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинади. Тафтиш тартибида иш юритишнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари, вилоят ва Олий суд даражасидаги тафтиш инстанцияларининг ваколатлари доираси кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш ва суд хатоларини тузатиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: одил судлов, тафтиш инстанцияси, суд фаолияти, процессуал муддат, кассация, суд қарори, ҳуқуқий аниқлик, Олий суд.

Аннотация: В данной статье анализируется правовая природа вновь введенной ревизионной инстанции в судебной системе Республики Узбекистан, ее роль и значение в судебной деятельности. Рассмотрены процессуальные особенности производства в ревизионном порядке, а также объем полномочий ревизионных инстанций на уровне областного и Верховного суда. Автором выдвинуты научные предложения по обеспечению стабильности судебных решений и совершенствованию механизма исправления судебных ошибок.

Ключевые слова: правосудие, ревизионная инстанция, судебная деятельность, процессуальный срок, кассация, судебное решение, правовая точность, Верховный суд.

Annotation: This article analyzes the legal nature of the newly introduced judicial review body in the judicial system of the Republic of Uzbekistan, its role and significance in judicial activity. The specific procedural features of supervisory proceedings, as well as the scope of powers of the supervisory bodies at the regional and Supreme Court levels, have been examined. The author has put forward scientific proposals for ensuring the stability of court decisions and improving the mechanism for correcting judicial errors.

Keywords: justice, judicial review, judicial activity, procedural term, cassation, court decision, legal certainty, Supreme Court.

Демократик ҳуқуқий давлатда одил судловнинг самарадорлиги нафақат биринчи инстанция судларининг сифатли иши, балки юқори инстанциялар томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида ва ҳолисона тузатиш имконияти билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичи сифатида 2024 йил 1 январдан бошлаб суд тизимида тафтиш инстанциясининг жорий этилиши диққатга сазовордир.

Илгари мавжуд бўлган назорат тартибида иш юритиш институти кўплаб назарий ва амалий эътирозларга сабаб бўлиб келган эди. Хусусан, назорат тартибида иш кўришнинг ноаниқ муддатлари ва "субъектив" хусусияти халқаро ҳуқуқ нормаларидаги "ҳуқуқий аниқлик" (legal

certainty) тамойилига тўлиқ мос келмас эди. Янги тафтиш инстанцияси эса ушбу бўшлиқни тўлдириш ва суд қарорларини қайта кўришнинг шаффоф, тортишув тамойилига асосланган механизмини яратишга хизмат қилмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда тафтиш инстанцияси — бу суд қарорларининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текширишнинг энг юқори ва якуний босқичи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига киритилган сўнги ўзгаришларга кўра, бу тизим анча такомиллаштирилган.

Тафтиш инстанцияси — бу апелляция ва кассация босқичларидан ўтган, қонуний кучга кирган суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текширувчи фавқулодда босқичдир. Унинг зарурати қуйидаги омиллар билан асосланади:

Суд хатоларини тузатишнинг якуний босқичи: Ҳар қандай тизимда бўлгани каби, суд фаолиятида ҳам инсон омили сабабли хатолар бўлиши мумкин. Тафтиш босқичи ушбу хатоларни олий даражада бартараф этиш кафолатидир.

Тортишув тамойилини кучайтириш: Тафтиш тартибида иш юритиш нафақат ҳужжатларни текшириш, балки тарафларнинг важларини тинглаш орқали амалга оширилади.

Янги қонунчиликка кўра, тафтиш инстанцияси иерархик тузилишга эга:

Ҳудудий даражадаги тафтиш: Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари биринчи марта тафтиш тартибида шикоятларни кўриб чиқади. Бу фуқароларга ўз вилоятидан чиқмасдан туриб юқори инстанция ҳимоясидан фойдаланиш имконини беради.

Олий суд даражасидаги тафтиш: Олий суднинг судлов ҳайъатлари вилоят даражасидаги тафтишдан норози бўлган тарафларнинг шикоятларини кўриб чиқади. Бу босқич мамлакат миқёсида ҳуқуқни қўллаш амалиётини бирхиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси [419⁴-моддасида](#) кўрсатилган биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ҳамда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажрими устидан қуйидагилар томонидан тафтиш тартибида шикоят (протест) берилиши мумкин:

ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно;

прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларнинг, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларнинг мурожаатлари мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, вилоят прокурори, унга тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари устидан, шунингдек ушбу судларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий

судининг биринчи инстанцияси бўйича қабул қилинган ҳамда апелляция ёки кассация тартибида кўрилган суд ҳужжатлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатига тафтиш тартибида:

ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошисида кўрсатилган шахслар шикоят бериши;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича, шунингдек ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган шахсларнинг муружаатларига асосан протест келтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси — ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг муружаатига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори — прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича, шунингдек ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган шахсларнинг муружаатига асосан тафтиш тартибида протест келтириши мумкин.

Тафтиш тартибида шикоятларни (протестларни) кўрадиган судлар қуйидагилар:

1) Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати — тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжатлари устидан берилган;

2) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — ҳудудий ҳарбий судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжатлари устидан берилган;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати:

Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судида апелляция ёки кассация ва тафтиш тартибида кўрилган тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳудудий ҳарбий судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан берилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжатлари устидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятларни (протестларни) кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан келтирилган протести Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан кўрилади.

Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судида тафтиш тартибида кўрилиши лозим бўлган шикоят (протест) мазкур судлар номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади.

Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда шикоятни (протестни) ишни тафтиш тартибида кўрадиган судга иш билан бирга юбориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибида кўрилиши лозим бўлган шикоят (протест) бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига тафтиш тартибидаги протести бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.

Илмий нуқтаи назардан энг баҳсли масалалардан бири — тафтиш тартибида шикоят бериш муддатидир.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан ажрим чиқарилгунга қадар ўтган тақдирда, шикоят (протест) кассация инстанцияси суди томонидан ажрим қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тафтиш тартибида ажрим чиқарилгунга қадар ўтган тақдирда, шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича ажрим қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Қонунчиликда белгиланган бир йиллик муддат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд қарорининг барқарорлигини таъминлаш ўртасидаги мувозанатдир.

Агар муддат чекланмаган бўлса, фуқаролик муомаласи иштирокчилари доимий хавотирда яшаган бўлар эди (масалан, 5 йилдан кейин суд қарори бекор бўлиб кетиши мумкинлиги). Бироқ, бир йиллик муддат ўтгандан кейин аниқланган жиддий адолатсизликларни қандай тузатиш масаласи ҳали ҳам илмий муҳокамаларни талаб қилади.

Тафтиш инстанцияси суди шикоятни (протестни) тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича:

- 1) ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни ўзгаришсиз колдиришга;
- 2) ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор қабул қилишга;
- 3) ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни тўлиқ ёки қисман ўзгартиришга;
- 4) билдирилган талаб бўйича суд томонидан суд ҳужжатининг қабул қилинмаганлиги, суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги

масалани ҳал қилган бўлса, ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга;

5) ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ФПКда кўрсатилган асосларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тўлиқ ёки қисман тугатишга;

6) айрим суд ҳужжатларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

Суд фаолиятининг самарадорлиги шундаки, тафтиш суди ишни фақат шикоят доирасида кўриб чиқмай, балки одил судлов манфаатлари йўлида шикоят важларидан четга чиқиш ва ишни тўла ҳажмда текшириш ваколатига ҳам эгадир.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, тафтиш инстанцияси жорий этилгандан сўнг Олий судга тушадиган юклама бир мунча тартибга солинди. Вилоят судларининг масъулияти ошди. Бироқ, тафтиш инстанциясида ишларни кўришда ҳали ҳам баъзи процессуал камчиликлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, электрон суд тизими (E-SUD) орқали тафтиш шикоятларини юборишда техник ва ҳуқуқий номувофиқликлар мавжуд.

Шунингдек, тафтиш тартибида иш юритишда "суд прецеденти" масаласи долзарблашмоқда. Олий суднинг тафтиш босқичида чиқарган қарорлари қуйи судлар учун ҳуқуқий йўналиш (guideline) вазифасини ўташи лозим.

Суд фаолиятида тафтиш тартибида иш юритишни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги илмий ва амалий таклифларни илгари сураимиз:

Биринчидан, тафтиш тартибида шикоят беришнинг бир йиллик муддатини тиклаш асосларини Меҳнат кодекси ва Оила кодексидаги ўзига хос жиҳатларни инобатга олган ҳолда Олий суд Пленуми қарори билан аниқлаштириш.

Иккинчидан, тафтиш инстанциясида ишларни масофавий (видеоконференцалоқа) режимида кўришни мажбурий тартибга айлантириш. Бу нафақат вақтни, балки бюджет маблағларини ҳам тежайди.

Учинчидан, ҳар бир вилоят суди тафтиш инстанциясида бекор қилинган қарорлар юзасидан ҳар чоракда тизимли таҳлил (обзор) эълон қилиши шарт. Бу биринчи инстанция судьяларининг малакасини оширишга хизмат қилади.

Туртинчидан, ваколатларни аниқлаштириш мақсадида, вилоят даражасидаги тафтиш ва Олий суд даражасидаги тафтиш ўртасидаги фарқни нафақат иерархик, балки функциявий жиҳатдан ҳам кучайтириш (масалан, Олий суд фақат ҳуқуқий масалаларни, вилоят суди эса фактик ҳолатларни ҳам қайта кўриши).

Хулоса қилиб айтганда, тафтиш инстанцияси Ўзбекистон одил судлов тизимида "сўнгги умид ва якуний адолат" босқичидир. Уни илмий асосда такомиллаштириш фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг асосий омили бўлиб қолади.

Тафтиш инстанцияси — бу фуқаролар учун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг охириги имкониятидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конситуцияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Т.: Адолат, 2023.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2021.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Судлар томонидан фуқаролик ишларини тафтиш тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 25.06.2024 йилги 20-сонли Қарори.
5. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент, ТДЮУ. 2020.

